

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ДЕДАХАНОВ БАХОДИР

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ АРХИТЕКТУРАСИННИГ ҚАДИМГИ ВА
БОШЛАНГИЧ ЎРТА АСРЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**18.00.01–Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлашва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Архитектура бўйичафалсафадоктори (PhD) диссертацияси
авторефератимундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии
(PhD) поархитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on architecture**

Дедаханов Баходир

Фарона водийси архитектурасининг қадимги ва бошлангич ўрта асрлардаги
ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....3

Дедаханов Баходир

Особенности развития архитектуры Ферганской долины периода древности и
раннего средневековья24

Dedekhanov Bakhodir

Features of architecture development of Fergana region during the antiquity period
and early Middle Ages45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works48

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

ДЕДАХАНОВ БАХОДИР

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ АРХИТЕКТУРАСИННИГ ҚАДИМГИ ВА
БОШЛАНГИЧ ЎРТА АСРЛАРДАГИ РИВОЖЛАНИШИННИГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**18.00.01 – Архитектура назарияси ва тарихи.
Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш ва тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БҮЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/A31
рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент архитектура-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/avtoref.html>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нурмуҳамедова Шоира Захидовна
архитектура фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Юсупова Мовлюда Аминжановна
архитектура фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Матбобоев Боқижон Хошимович
тарих фанлари доктори, профессор

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура қурилиш институти хузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “29” декабр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7B-й. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.: +99871 235-43-30, факс: +99871 234-15-11, web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (**69** рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-й. Тел.: +99871 234-60-16).

Диссертация автореферати 2021 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «____» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Д.А. Нозилов

Илмий даражалар берувчи
илмийкенгашраиси, арх.д.,
профессор

Ш.С. Рейимбаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, арх.ф.н., доцент

А.А. Сайдов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, арх.ф.н., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тарихий-маданий меросимизни қайта тиклаш, сақлаш ва меъморий ёдгорликлардан самарали фойдаланиш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро майдонда тарихий ёдгорликлар архитектурасини ҳимоялаш, реставрация ва сақлаш долзарб муаммолардан бўлиб қолмоқда. Бу борада қадимги архитектурани чуқур ўрганиш, уларни консервация ва ҳимоя ҳудудларини ташкил қилиш, маданий мерослардан унумли фойдаланиш учун туристик йўналишларни яратиш ва кенгайтириш ҳамда туризмни янги йўналишларини ташкил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда сўнгти йилларда архитектура меросини ҳар томонлама ўрганиш ва сақлаш, уларнинг замонавий архитектура амалиётидаги алоҳида ўрни каби йўналишларда бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шунингек, ҳозирда тарихий ёдгорликларни сифатли таъмирлаш ва тиклаш, боғ-парк архитектурасини яратиш ва тарихий ёдгорликларнинг график реконструкциясини бажариш, қадимги шаҳарларнинг тарихий кўринишини сақлаш юзасидан илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда археологлар томонидан Фарғонанинг Чуст, Далварзин ҳудудларида шаҳарсозлик маданияти 3000 йил аввал вужудга келинганлиги ва узлуксиз давом этганлиги аниқланмоқда. “Маданий мерос обьектлари бизнинг бутун бебаҳо миллий бойлигимиз”¹. Бу борада Поп 2500 йил, Кўқон, Марғилон, Андижон 2200 йил аввал қурилганлиги ҳақида археологик материалларни² таҳлил қилиш, бронза даври учун Фарғонадан топилган учта турдаги турар-уйларни (Далварзинтепа, Чуст, Ўш, Хожакент, Сассиқ Бўка)³ ўрганиш, шу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5181-сон “Моддий, маданий ва археологик мерос обьектларидан фойдаланишини ва муҳофазасини такомиллаштириш ҳақида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 июлдаги 200-сон “Моддий-маданий ва археологик мерос обьектларидан самарали фойдаланишини ва муҳофазасини такомиллаштириш ҳақида”, 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон “2010-2020 йилларда номоддий маданий меросни сақлаш, тарғибот қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича Давлат Дастурини тасдиқлаш ҳақида”ги қарор⁴лари хужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қиласи.

¹Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на совместном заседании палат Олий Мажлиса и политических партий// “Народное слово”, 2017. - №137(6831).

²Анарбаев А .Древноземледельческая культура Ферганы и динамика развития урбанизации // История и археология Турана. № 3. Самарқанд. 2017. - 89-104.б.

³Матбабаев Б.Х. Исследования жилищ в памятниках чустской культуры Ферганы (XII-VII вв. до н.э.) // ИМКУ. – Самарканд, 2002. – Вып. №33. – С. 46-60.

⁴<https://lex.uz/docs/1688222>

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион гоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига муофиз бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фарғона водийси меъморий ёдгорликлари узоқ йиллар мобайнида илмий тадқиқот обьектлари хисобланган. Турли даврларда уларни ўрганишга, айниқса ўрта аср ва XIX - XX асрлар чегарасида И. М. Азимов⁵ ва М. А. Юсупова⁶лар шуғулланганлар. Қадимги ва ўрта аср даврларида Фарғона водийси меъморчилигини илмий ўрганиш археологларнинг қўп йиллик меҳнатлари ва археологик экспедициялар туфайли амалга оширилган, ушбу йифилган материаллар мазкур соҳада тадқиқот учун тайёрланган мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди. Демак, қадимги Фарғона шаҳарларини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан археолог Н.И. Веселовский бошланган бўлиб, кейинчалик Фарғона қадимги маданиятини илк даврийлигини таклиф этган археолог Б. А. Латынин 1930 йилда мил. авв. IV-I асрларга оид бўлган Эйлатон қалъасини очган ва тадқиқот ўtkазган. Улкан кашфиётлар А. Н. Бернштам⁷ раҳбарлигига ФА Помир-Олой ва Помир-Фарғона экспедициялари туфайли амалга оширилган. Улар томонидан Фарғонанинг Марҳамат, Косон ва **Ахсиқент⁸ сингари** қадимги қалъаларида археологик-топографик тадқиқотлар ўtkazилган. Фарғона ёдгорликлари тадқиқотларида Ю.А. Заднепровский муҳим рол ўйнаган. У чуст даври ёдгорликларини Даъварзин, Чуст, Хожамбог⁹ шаҳарларини Эйлатон ва Шуробашот даврларида топган ва ўрганган. Қадимги Фарғона шаҳарсозлиги муаммолари археологлар Б.Х. Матбабаев¹⁰ ва А.А. Анарбоевларни¹¹ ишларида очиб берилган.

Фарғона ёдгорликларини ўрганишда музейларнинг роли бекиёсдир. Жумладан, Андижон вилояти ўлкашунослик музейлари Б. Абдулгазиева ва

⁵ Азимов И. Архитектура Узбекистана XVIII- нач. XX вв. (Традиции и локальные особенности) // Автореф. дис. на соиск. уч. ст. докт. арх. н. – М., 2000. – 48 с.

⁶ Юсупова М.А. Полвека трансформации архитектуры Узбекистана. На примере «новых городов» Ферганской долины, конца XIX- нач. XX. – Ташкент: Изд-во «Print-S», 2005. – 192 с.

⁷ Бернштам А.Н. Древняя Фергана. – Ташкент: Изд-во АН УзССР. – 44 с.

⁸ Анарбаев А.А. История археологического изучения городов Ферганы // Ош и Фергана в исторической перспективе. – Бишкек: Мурас, 2000. – С. 71.

⁹ Заднепровский Ю.А. Основные этапы истории Ошского оазиса // КСИА. – М., 1983. - №176. – С. 52; Он же. Древние города и этапы урбанизации Средней Азии // Зоны и этапы урбанизации (Теоретические аспекты проблемы «Город и процесс урбанизации в Средней Азии»). ТД региональной конференции, Наманган, 1989. – Ташкент, 1989. – С. 50-53; Заднепровский Ю.А., Матбабаев Б.Х. Основные итоги изучения Чустского поселения в Фергане (1950-1982 гг.) // ИМКУ. – Самарканд, 1984. - №19. – С. 46-72.

¹⁰ Матбабаев Б., Машрабов З. Андижан: городская культура и этапы ее развития (историко-археологическое исследование) // O'zbekistontarixi. – Ташкент, 2007. - №4; Древние города Ферганской долины. – Ташкент, 2008. – 179 с. Книга-альбом. – 179 с.

¹¹ Анарбаев А. Ахсиқет – столица древней Ферганы. – Ташкент: «Taffakur», 2013. – С. 485; Анарбаев А.А. Касан город-ставка, лагерь-крепость// Фергана в древности и средневековье. Сб. статей, подготовленных в честь 70-летия со дня рождения акад. Российской Народной Академии наук Ю.А. Заднепровского. – Самарканд, 1994. – С.25.

В. И. Козенковалар раҳбарлигига турли вақт кесимида Фарғона водийсининг шарқий қисмидаги ёдгорликлари ўрганилган¹². Н. Г. Горбунова 40 йиллик тадқиқотлари натижасида Фарғона ҳудудида аҳоли турлари ва уларнинг жойлашишини ишлаб чиқишига харакат қилган¹³. Ҳарбий архитектура ва унинг хусусиятлари босқичма-босқич шаклланиши ва ривожланиши Б. М. Абдуллаева ва Б. Х. Матбабаев¹⁴ ларнинг тадқиқот обьекти бўлган. Дафн меъморчилиги тадқиқоти билан турли даврларда олимлардан Б. А. Литвинский¹⁵ ва Б.Х. Матбабаевлар¹⁶ шуғулланганлар.

Фарғона ўрта аср ёдгорликлари археологик нуқтаи назаридан В. А. Булатова¹⁷, В. И. Козенкова¹⁸, Б. Абдулғазиева¹⁹, Г. А. Брыкина²⁰, А. А. Анарбаев²¹, Е. Б. Салтовскаялар²² томонидан ўрганилган. Шундай қилиб, кўп йиллар мобайнида олинган археологик материаллар ва тўпланган тажрибалар асосида қадимги Фарғона шаҳарсозлиги ва меъморчилиги бўйича умумлаштирилган тадқиқот муаммоси кўтарилемоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент архитектура-қурилиш институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПФИ-1 “Манавий бойлик асослари, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилиги” мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган(2017-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади қадимги ва илк ўрта асрлардаги Фарғона водийси архитектурасини комплекс тарзда очиб бериш, ҳудуднинг

¹² Восточная Фергана в древности и раннем средневековье (система расселения, районирование и типология) // Автореферат дис. на соиск. уч.ст. канд. ист. н. – Самарканд, 1988. – 20 с.

¹³ Горбунова Н.Г. Поселения Ферганы первых веков нашей эры // СА. – М., 1977. - №3. – С. 107-120; Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы) // СА. – М., 1979. - №3. – С. 31.

¹⁴ Абдуллаев Б.М. К изучению оборонительных сооружений Ферганской долины античного периода // ИМКУ. – Самарканд, 2004. - №34. – С. 43-48; Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги изучения древней фортификации Ферганы (возникновение и этапы развития) // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент, 2005. – С. 131-140; Абдуллаев Б.М. К истории античной фортификации Ферганы // ИМКУ. – Самарканд, 2006. - №335. – С. 130-137. Матбабаев Б.Х., Абдуллаев Б.М. Оборонительные сооружения древней Ферганы (кон. II тыс. до н.э. – нач. I тыс. н.э.). – Ташкент: «Shidas», 2011. – 176 с.

¹⁵Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы (Раскопки.Погребальный обряд в свете этнографии). – М.: «Главная редакция восточной литературы», 1972. – 258 с.+табл.

¹⁶Матбабаев Б.Х. Одиночные погребения могильника Мунчактепа (К вопросу изучения погребальных сооружений Северной Ферганы первой пол.- сер. I тыс. н.э.) // ИМКУ. – Самарканд, 1996. – Вып. №27. – С. 61-75; Матбабаев Б.Х. К вопросу изучения подземных склепов и погребений в камышовых гробах Ферганы // ИМКУ. – Самарканд, 1998. – Вып. №29. – С. 61-75.

¹⁷ Булатова В.Л. Древняя Куба. – Ташкент: Фан, 1972. – 115 с.

¹⁸Козенкова В. И. Гайраттепа. К истории поселений Ферганы первой половины I тысячелетия // СА. 1964. № 4. - С. 218-237.

¹⁹ Абдулғазиева Б. Восточная Фергана в древности и раннем средневековье (система расселения, районирование и типология): Автореф. дне... канд. ист. наук. - Самарканд, 1988. С. 17-19.

²⁰Брыкина Г.А. Юго-Западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. – М.: «Наука», 1982. – С.11.

²¹Анарбаев А. Ахсикент в древности и средневековье (итоги и перспективы исследования) //СА. – М., 1988. - № 1. - С. 171-187.

²²Салтовская Е. Д. Северо-Западная Фергана в древности и раннем средневековье: Автореф. канд. ист. наук. - Душанбе, 1971. - С. 15.

шаҳарсозлик жиҳатдан ривожланиши, ёдгорликларнинг композицион тузилишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бронза давридан то илк илк ўрта аср давригача Фарғонанинг қадимги архитектура иншоотлари бўйича янги материалларни илмий муомалага киритиш ва тизимлаштириш;

иншоотларнинг композицион ҳамда тарҳий, ҳажмий-фазовий ечимларига таъсирини аниқлаш;

ҳарбий, фуқаролик ва диний иншоотларнинг асосий турларини келиб чиқиши манбааларини аниқлаш;

мавжуд ёдгорликлар типологиясини ўрганиш, Фарғонага тулаш бўлган Уструшона, Шош, Суғд билан таққослаш орқали ўзига хос хусусиятларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида археологик экспедицияларнинг кўп ийллик меҳнати натижаларида олинган Фарғона водийси ҳудудидаги қадимги ёдгорликларга тегишли материаллар билан бир қаторда Ўзбекистоннинг қўшни Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа вилоятларнинг тарихий-маданиятига тегишли илмий ва архив материаллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Фарғона ёдгорликларини ҳар томонлама ўрганиш, қадимги ва илк ўрта аср даврларида унинг ривожланиши қонуниятларини аниқлаш, типологик ва ҳудудий хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуслари. Тадқиқотда археологик обьектлар ва тарихий маълумотларни илмий-киёсий тахлил, хронологик тизимли тахлил, Фарғона қадимги ва илк ўрта аср меъморчилиги, шаҳарсозлигини солишиши, турар жой ва жамоат бинолари таснифлаш, масалага илмий ёндашув каби тадқиқот усусларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

Фарғонада илк шаҳарсозлик маданияти милоддан аввалги XII-VII асрларда Чуст ҳудудида шаклланганлиги археологик манбалар асосида далилланган;

Фарғона меъморчилиги қонуниятлари босқичма-босқич шаклланишига ҳудуднинг қулай иқлим шароити, ирригация тизими, маҳаллий қурилиш ашёлари асосий омил бўлиб хизмат қилганлиги аниқланган;

Қадимги Фарғона турар-уй архитектурасида лой-тупроқли пахсадан қурилганлиги, узун ва тор хоналар типологиясига эга ерусти қурилмалари мавжудлиги аниқланган;

Қорадарё шаҳри, Чилхужра шаҳридаги Олов ибодатхонаси, Марғилондаги Қизлартепа диний марказ иншоот ёдгорликларининг график реконструкция лойиха таклифлари ишлаб чиқилган. Лойиха таклифлари Фарғона водийсидаги туризмни ривожлантириш масканларида фойдаланиш учун тақдим этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

бронза давридан илк ўрта аср давригача шаҳарсозликни ривожланиш тарихи, Фарғона водийсининг туар жой ва маданий архитектураси бўйича меъморшуносликка янги маълумотлар киритилган;

қадимги архитектура ёдгорликлари композицион ва режавий хусусиятлари, уларнинг классификацияси ва типологияси аниқланган;

Фарғонанинг қадимги ёдгорликлари бўйича археологик ва архив материалларини ўрганиш асосида, уларнинг график реконструкцияси бажарилган;

зороастризм ва буддавийлик ибодатхоналари ва қадимги Қорадарё ва Шўрабашот қалъаларнинг дастлабки архитектуравий кўринишларининг график модели яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда архитектура фанида тан олинган илмий ёндашув ва усуслар орасида бирламчи моддий маданият мабааларига бағишлиланган адабиётлар, археологик ва архив материалларига эътибор берилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг илмийлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон меъморчилиги тарихи ва назарияси соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга тарихий обьектларни сақлаш, қайта тиклаш ва модернизациялаш бўйича илмий лойиҳа ишларини бажаришда катта аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти архитектура ва қурилиш ташкилотлари фаолиятида, тарихий обьектларни қайта тиклаш ва сақлаш, туризм соҳасини ривожлантириш, замонавий меъморчилик ва шаҳарсозликни такомиллаштириш бўйича амалиётда фойдаланиш мумкин ҳамда олий таълим муассасаларида архитектура, шаҳарсозлик ва археология соҳаларида таъмирлаш, қайта тиклаш ва археологик ёдгорликларни ўрганиш бўйича фанлар мазмунини тўлдиришга хизмат қилиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсининг қадимги ва бошланғич ўрта асрлар давридаги меъморчилиги ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийсида бронза давридан то илк ўрта асрларга тегишли маданий ва археологик мерос обьектларини тўлиқ қамраб олган, шунингдек энг қадимги шаҳарлар Шуробошат, Қорадарё ва олов ибодатхоналарининг график реконструкция таклиф лойиҳалари бўйича олинган натижалар ЎзР Маданият вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 25 мартағи 01-01-6M/375-сон далолатномаси). Натижада муаллиф томонидан Фарғона водийси тўғрисида тўпланган маълумотлар асосида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар таъмирлаш соҳасида лойиҳаларни бажаришда ва олий таълим муассасалари талабаларига таълим беришда кенг фойдаланиш имконини берган;

Фарғона вилоятидаги қадимги ва илк ўрта асрлардаги бино ва иншоотларнинг меъморий композицион ечимлари, ҳарбий, фуқаролик ва диний иншоотларнинг асосий турларини ривожлантириш ва ўзига хос хусусиятларини ҳамда келиб чиқиши манбаалари юзасидан олинган хулосалардан Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 2021 йил 8 октябрдаги 03-17-02/8450-сон маълумотномаси).

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 3 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилингандиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан 2 та хорижий ва 4 та республика журналларида ва 7 та ҳалқаро ва республика конференция материаллари илмий тўпламларида мақолалар нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 142 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар, тадқиқот обьекти ва предмети тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, ишнинг ва амалий натижаларининг илмий янгиликлари, ҳамда диссертациянинг илмий ва амалий аҳамияти, иш натижаларининг жорий қилиниши ва уларнинг нашр қилингандиги, тузилмаси ва ҳажми кўрсатилган.

Диссертациянинг “Бронза ва илк темир давридан то илк ўрта аср давргача Фарғона архитектураси ривожининг хусусиятлари” деб номланган биринчи боби 3 та бўлимдан иборат. “Фарғона қадимги архитектурасининг ривожига кўмак берган асосий омиллар” деб номланган биринчи бўлимда, ушбу ҳудудда қадимги меъморчиликнинг шаклланишига туртки берган асосий омиллар аниқланган. Ушбу ҳудуднинг географик жойлашуви бош омиллардан биридир. Асосий омилларга қуйидагилар киради: Фарғона водийси ҳамма томондан тоғлар билан ўралган бўлиб, тоғ ҳавзасида жойлашган, бу эса маълум даражада шаҳарсозликнинг бироз кечроқ ривожланишига таъсир кўрсатган; чекка ҳолатни эгаллаган бу ҳудуд

узоқ вақт давомида ўтроқ дәхқонлар ва кўчманчилар²³ орасидаги ўзига хос қалқон ролини бажарган; Фарғона учун характерли бўлмаган архитектуравий анъаналарнинг кириб келишига туртки бўлган сиёсий ўзгаришлар (масалан, сағанавий меъморчилик)²⁴; қадимги дәхқончилик учун қулай шароитлар – кечки бронза ва илк темир даврига тегишли энг илк шаҳарлар Қорадарёнинг юқори ва ўрта оқимида жойлашган (Дальварзин, Ашқолтепа, Эйлатон, Сарвонтепа); Буюк Ипак йўлининг Шимолий йўли энг қадимги ва муҳим йўллардан бири бўлиб, кечки бронза даврида ҳам мавжуд бўлган, ундан фақатгина товарлар эмас, балки маданий анъаналар ҳам кириб келган; Фарғонанинг қўшни тарихий-маданий ҳудудлар (Шош, Сўғд, Уструшон) билан кенг масштабли маданий алоқалари; диний иншоотларнинг (ибодатхона ва сағанавий) бир неча типини кузатиш имконини берган динларнинг роли; чуст давридаёқ (мелоддан аввалги XII–VII асрлар) кузатилган қўшни тарихий-маданий ҳудудлар ва Марказий Осиё билан узвий алоқалар.

Биринчи бобнинг “Курилиш материаллари ва конструкциялари” деб номланган иккинчи бўлимида қадимги Фарғона қурилиш маданиятининг ривожланиш даражаси босқичма-босқич очиб берилган. Чуст (мелоддан аввалги XII–VII асрлар), эйлатон (мелоддан аввалги VII–III асрлар), шуробашот (мелоддан аввалги IV–I асрлар) ва марҳамат (эрамизнинг I–IV асрлари) даврларидағи асосий архитектуравий-режавий усуллар ва анъаналар аниқланган. Бунда, бронза давридаёқ қурилиш анъаналари пайдо бўла бошлаган, улар кейинги даврларда мукаммалашган. Бу ҳақида турли ўлчамдаги ғиштларнинг 20 дан ортиқ варианларидан фойдаланиш (Чуст), зирхли термалар ва “ғиштдан платформа қуриш йўли билан” супа-поғона шаклини ташкил қилувчи терим (Дальварзиндаги ертўла)²⁵, қурувчилардан катта жисмоний куч талаб қилувчи тош-қояли тупроқда ишлай олиш малакаси (Ўшдаги супасимон зинапояли қурилмалар) гувоҳлик беради.

Кейинчалик, эйлатон ва шуробашот даврларида қурилиш маданиятида чуст давридан мерос қолган анъаналар кузатилган: икки томонли хом ғиштлардан зирхли термалар; бўшлиқларни қурилиш чиқиндилари билан тўлдириш; қалъа деворларининг қуий қисмида йирикроқ ғиштлардан фойдаланиш (Эйлатон)²⁶, пахсадан деворлар қуриш (Шуробашот).

Шунингдек, бу бўлимда қўшни тарихий-маданий ҳудудлар (Сўғд, Уструшон) билан таққослаб таҳлил асосида, қурилиш маданиятидаги ўзгаришларнинг жараёнлари аниқланган. Уларга қадимги даврдан то илк ўрта аср давларигача ғишт (квадратдан то тўғрибурчаклигача) ва бошқа

²²Брыкина Г.А. Фергана в древности и средневековье // Цивилизации Центральной Азии: земледельцы и скотоводы. Традиции и современность // ТД Международной научной конференции. – Самарканд, 2002. – С. 21.

²⁴Баратов С.Р. К вопросу об эфталитах в Ферганской долине // ИМКУ. – Самарканд, 1997. – Вып. №28. – С. 94-97.

²⁵Заднепровский Ю.А. Землянки бронзового века Ферганы // Новейшие открытия советских археологов. ТД конференции. – Киев, 1975. – Часть I. – С. 117.

²⁶Абдуллаев Б.М. Возникновение и этапы развития фортификации Ферганы в древности и средневековье (кон. II тыс. до н.э. – нач. II тыс. н.э.) // Диссертация на соиск. уч.ст. канд. ист. н. – Самарканд, 2007. – С. 16.

курилиш материалларининг (пахса, гувалак, тошли плиталар, пишган ғиштлар) ўлчамлари, хом ғишти-пахсали қурилиш ва равоқли томёпмалар (юқори-эллипсоид томонли равоқлар, турли-туман ёлғон гумбазлар)²⁷ усуллари ва малакалари, ҳамда архитектуравий-ечимли (аввалги бинолар асосларини платформа-стилабатларни тиклаш учун тош ташлаб мустаҳкамлаш) ва антисейсмик усуллар (кум ва қамишли белбоғлар, ёғоч қайишлардан фойдаланиш)²⁸ киради. Шундай қилиб, қадимги Фарғона қурилиш маданиятида анъаналарнинг мерос бўлиб қолишини кузатилган ва у илк ўрта аср даврида ҳам давом этган.

Биринчи бобнинг “Шаҳарсозлик маданияти” деб номланган учинчи бўлимида Фарғона водийси ҳудудида урбанизация жараёнларининг ривожига кўмак берган асосий омиллар аниқланган. Шундай асосий омилларга қулай гидрографик ва экологик шароитлар, фойдали қазилмаларга бой конларнинг мавжудлиги, интенсив демографик жараёнлар, шаҳар саноати ва ҳалқаро савдонинг ривожланиши ва бошқалар киради. Шунингдек, ҳар бир алоҳида олинган даврда қадимги Фарғона шаҳарсозлик маданиятининг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари очилган. Чуст даврида йирик (Дальварзин, 25 га), ўрта (Чуст, 4 га) шаҳарлар мавжуд бўлган. Эйлатон ва кейинги шуробашот даврларида ўлчамлари турлича бўлган (Қорадарё шахридаги 2-қисмли) ибодатхоналар ва иккитали шахристонлар (Эйлатон, Шуробашот, Марҳамат, Қорадарё, Жонбулоқ), ўлкан қурилмасиз майдонлар (Шуробашот ва Эйлатонда)²⁹ ҳамда тўғри геометрик шакл асосида қурилган мумтоз шаҳарлар ва кучли қалъа деворларининг (Паркан, Кўрғонтепа) мавжудлиги кузатилган.

Агарда шуробашот даври қадимги Фарғона шаҳарсозлик маданиятининг интенсив туғилиш даври бўлса, у ҳолда марҳамат даври шаҳарлар сонини кескин ортиши сабабли (Марҳамат, Поп) шаҳарсозликнинг энг гуллаган даври ҳисобланади. Улар орасида ривожланган қалъали тўғри шаклдаги йирик шаҳарлар (3-қисмли Марҳамат, 40 га), мустаҳкам қишлоқлар (Биловуртепа)³⁰ ва алоҳида мустаҳкам дала ҳовлилар (Ғайраттепа)³¹ бўлган.

Шунингдек, бу бўлимда ўлчамлари ва шакллари бўйича (Биловуртепадаги думалоқ ва Қуюқтепадаги тўғрибурчакли) фарқланувчи қалъалар режаси таҳлил қилинган. Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятида арклар шаҳар деворлари тизимида, ичида ва деворлардан ташқарида ҳам жойлашиши мумкин бўлган³². Ҳар бир алоҳида ҳолатда уларнинг жойлашуви

²⁷ Литвинский Б.А. Курганы и курумы Западной Ферганы (Раскопки. Погребальный обряд в свете этнографии). – М.: «Главная редакция восточной литературы», 1972. – 258 с.; Исамиддинов М.Х., Баратов С.Р. Новые раскопки мугхона в Гавасае// ИМКУ. – Самарканд, 1990. – Вып. №24. – С. 86-93.

²⁸ Давидович Е.А., Литвинский Б.А. Археологический очерк Исфаринского района // Труды АН Тадж. ССР. – Сталинабад, 1955. – С. 73.

²⁹ Заднепровский Ю.А. Археологические работы в Южной Киргизии в 1956 г. // КСИА. – М., 1959. - №76. – С. 71.

³⁰ Заднепровский Ю.А. Городище Биловуртепе (Восточная Фергана) // КСИИМК. – М., 1985. – Вып. 184. – С. 94; Заднепровский Ю.А., Баранов Л. Цитадель Биловуртепа // ИМКУ. – Ташкент, 1979. – Вып.15. – С. 153-154.

³¹ Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана. – АФ канд. ист. наук. – Л., 1954. – С. 12.

³² Воронина В.Л. Раннесредневековый город Средней Азии // СА. – М., 1959. - №1. – С. 91.

турлича бўлган ва аввало конкрет шароитлар, биринчи навбатда ҳарбий шароит билан тушунирилган.

Диссертациянинг “Қадимги Фарғонада фуқаро ва маданий архитектуранинг шаклланиши” деб номланган иккинчи боби ҳам 3 та бўлимдан иборат. “Қадимги Фарғона ҳарбий архитектурасининг шаклланиши” деб номланган биринчи бўлимда қадимги Фарғона ҳарбий архитектураси ривожи ва мукаммаллашувига кўмак берган асосий омиллар аниқланган. Уларга тарихий ҳодисаларнинг фаол жараёнлари, жамиятнинг мукаммаллашуви ва ривожи, давлатнинг хар томонлама мустаҳкамлиги, кўчманчилар роли ҳамда ҳарбий техника ва ҳарбий харакатлар тактикасининг ривожи киради. Сўнгра, ушбу типдаги иншоотларнинг даврлар бўйича шаклланиши ва уларнинг архитектуравий-композицион сифатлари очилган.

Чуст давриҳарбий архитектураси рельефнинг стратегик имкониятларидан фойдаланиш, мураккаб конфигурация (Чуст) ва деворларнинг жуда қалинлиги (Дальварзинда 8 м гача ва Чустда 7 м гача), ташқи томондан қўшимча платформаларнинг мавжудлиги (Чустда деворга қўшимча тупроқли платформа қурилган)³³, минора-контрофорсларнинг йўқлиги ва уларда фойдаланилган конструкциялар турлари (яхлит ғиштли ва пахсали терма)³⁴ билан фарқланган. Бу даврда ҳарбий архитектура кўп жиҳатдан кўчманчиларнинг таъсири натижасидаги ўзига хослик билан фарқланган ва ўша даврда монолит қалъа деворларини қуриш анъаналари пайдо бўлган.

Эйлатон давриҳарбий архитектураси кучли деворларнинг замин ва пойдеворлари (Сарвонепанинг қуи қатламлари), тўғрибурчакли (Эйлатон ва Кўрғонтепа деворлари) ва квадрат миноралар (Симтепа) билан ҳимояланган дарвоза олди хоналар³⁵ билан фарқланган. Шунингдек, бу давр ҳарбий архитектураси сигнал миноралар ва дехқончилик воҳалари этакларида жойлашган мустаҳкам сарой ва қишлоқлар тизими мавжудлиги билан характерланади. Кейинги шуробашотдаври ҳарбий архитектураси юқори даражадаги ривожланиши билан фарқланади. Бу ҳақида девор ичидаги отишма галереяларсиз монолит деворлар, кучли пахса платформалардаги маҳсус қалъалар (Шуробашот), деворлардаги кўп сонли минора ва жангхоналар (Мингтепа, Қорадарё) гувоҳлик беради.

Қушон-марҳамат давридаги ташкилий етуклиги билан фарқланувчи ҳарбий архитектурани давлат (шаҳарлар мисолида) ва воҳа (Чунтепа, Миқти-Кўрғон, Чордонатепа, Сарвонепа типидаги мустаҳкам қалъалар занжиридан ташкил топган) архитектураларига бўлиш мумкин. Уларда кучли ҳимоя кузатилади, бу хитой қўшинининг (“само отлари”³⁶ учун) Фарғонага юриши

³³Заднепровский Ю.А., Матбабаев Б.Х. Основные итоги изучения Чустского поселения в Фергане // ИМКУ. – Самарканд, 1984. - №19. – С. 57.

³⁴Заднепровский Ю.А. Укрепления чустских поселений и их место в истории первобытной фортификации Средней Азии // КСИА. – М., 1976. - №147. – С. 7.

³⁵Оболдуева Т.Г. О датировке стен Эйлатана // СА. – М., 1981. - №4. – С. 192.

³⁶Анарбаев А. Древняя Фергана и Великий Шелковый путь // Ж. Человеческий капитал. – М., 2019. - №2 (1220). – С. 58.

билин боғлиқ бўлган. Бу ҳақида ғиштли теримларни кўпайтириш ҳисобига деворларнинг жуда қалинлиги ва баландлиги гувоҳлик беради (Эски Ахсида деворлар қалинлиги ва баландлиги 20 м га етган). Уларга деворларни маҳобатли ва деворёрас машиналар учун мустаҳкам қилиш, ташки деворлардаги бермаларнинг мавжудлиги (Файраттепада), айланма отишма галереялар, миноралар билан мустаҳкамлаш ва миноралар ҳимоя сифатида ишлатилганлиги, (II-III асрларда Аркепа ва Каламуштепа шаҳридаги хочсимон) қалъалар режасини мукаммаллаштириш (Каркидон гурухи ёдгорликлари бандан мустасно), мураккаб шаклдаги дарвозалар (Аркепада жанубий ҳимоя минорасига хочсимон шаклдаги “форт” қўшиб курилган)³⁷ киради. Фортификациянинг бундай жуда камёб тизими ўзига хос қопқонни ифодалаган ва қўшни худудлардаги (Сўғд ва Хоразм) ўхшаш деворлардан фарқ қиласи, лекин Жанубий Туркманистон қалъа архитектураси билан ўхшаш томонлари мавжуд³⁸. Миноралар шакли ҳам ўзгарган, тўғрибурчакли миноралар билан бир қаторда думалоқ шаклдаги миноралар (Мингтепада) пайдо бўлган. Яъни ушбу архитектура ривожида изчилилк (чуст даври анъаналарининг эйлатон ва шуробашот даврларида давомийлиги – рельеф хусусиятларини ҳисобга олиш, хом ғишт билан қопланган вал ва платформа-стилобатлар мавжудлиги), инновацион унсурлар (қалъаларнинг хочсимон режаси) ва эволюцион ривожланиш хусусиятларини кузатиш мумкин яъни “чуст маданиятига тегишли архитектура кўриниши ўзгарган ва кўчманчи авлодлар меъморчилиги унсурларини йўқотган”³⁹. Қадимги Фаргоналиклар ҳимоя тизимида “ўз даври фортификациясининг ютуқларини жорий қиласи ва уларни қайта ишлаб, мустақил ривожланиш йўлини топган”⁴⁰. Лекин ушбу архитектурада қўшни худудлар билан ўхшаш томонлар кўзга ташланади. Бу ҳақида Бақтрия (Кей-Кобад-Шоҳ) ва Хоразм (Тупроққалъа) ҳарбий архитектураси учун характерли бўлган пилястрларнинг пайдо бўлиши (Мингтепада) ва Жанубий Туркманистон архитектурасига ўхшаш жанг майдончаларининг мавжудлиги (Ахсикентда) гувоҳлик беради.

Иккинчи бобнинг “Туар-уй архитектураси” деб номланган иккинчи бўлимидан даврлар бўйича қурилмалар классификацияси аниқланган. Бронза даврининг бошланғич босқичи учун ертўлалар (фақатгина шакли ва ўлчамига кўра эмас, балки конструкциялари ва функционал вазифасига кўра фарқланувчи), лой-тупроқли уйлар (ғиштли ва пахсали), ерусти типидаги каркасли туар-жойлар ва чуқурлаштирилган полли, ҳамда таянч устунли туар уйлар (Дальварзин ва Ўш) характерли бўлган. Уларнинг мисолида анъаналар барқарорлиги ва режавий хусусиятларнинг турли-туманлиги

³⁷ Абдуллаев Б.М. К истории античной фортификации Ферганы // ИМКУ. – Самарканд, 2006. - №335. – С. 132.

³⁸ Пугаченкова Г.А. Пути развития архитектуры Южного Туркменистана поры рабовладения и феодализма. – М.: Изд-во АН СССР, 1958. – С. 51-53.

³⁹ Абдуллаев Б.М. Об элементах кочевой культуры в фортификационных сооружениях Ферганы // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции. Самарканд, 7-8 сентября, 2009 г. – Самарканд-Ташкент, 2010 г. – С. 61-68.

⁴⁰ Абдуллаев Б.М. Некоторые итоги изучения древней фортификации Ферганы (возникновение и этапы развития) // История Узбекистана в археологических и письменных источниках. – Ташкент, 2005. – С. 133.

(худуд рельефи характери билан ифодаланган – Ўшдаги ертўлаларнинг режаси террасимон⁴¹ оддий мавзели қурилмаларда (Дальварзиндаги авлодлар мавзеси) кузатилади. Кейинги даврларда малакаларнинг ортиши билан турар-уй архитектураси ривожини узунчоқ ва тор хоналарга эга ерусти қурилмаларидан тортиб (Эйлатон, мелоддан аввалги VII–IV асрлар) то алоҳида турувчи, ёғоч устунли заллар қўринишидаги марказий хоналарга эга уй ва дала ҳовлилар қурилишида (Хўжамбогтепа ва Мирзаолимтепадаги қишлоқ уйлари, мелоддан аввалги IV–I асрлар) кузатиш мумкин.

Кўшон даврида қишлоқлар сонининг кескин ортиши, “чэн”⁴² жамоавий қишлоқларининг тарқаб кетиши ва патриархал оиласларнинг ажралиши ҳисобига алоҳида уйлар сони икки баробар ортган. Бу даврда энг тарқалган аҳоли пункти типи бу алоҳида турувчи ҳовли-саройлардир (Тўдаи Хўрд икки қаватли саройи ва Тўдаи Калон мустаҳкам ҳовлиси)⁴³. Эрамизнинг V–VIII асрларида бошқа Ўрта Осиё худудлари каби (масалан, Сўғд⁴⁴) Фарғона учун ҳам турар-уй архитектурасидаги ўзгаришлар одатий ҳол бўлган. Ерга мулқдорликнинг янги феодал тури⁴⁵ нинг пайдо бўлиши сабабли, мустаҳкам сарой ва қишлоқ типидаги (Халпа ҳовлиси)⁴⁶ ҳовлилар қўринишидаги аҳоли пунктларининг янги типлари қурилган.

Иккинчи бобнинг “Диний архитектура” деб номланган учинчи бўлими ибодатхоналар(ҳам индивидуал, ҳам оммавий сифиниш билан боғлиқ бўлган диний марказлар)⁴⁷, илоҳий жойлар (қишлоқларда) ва уй ибодатхоналари (турар-уйлардаги диний хоналар) мисолида диний иншоотларнинг худудий ҳусусиятларини аниқлашга бағишлиланган. Улар биринчи навбатда зороастрий ҳамда қисман будда (илк ўрта аср даврида Қувада) динлари билан боғлиқ бўлган.

Шундай қилиб, олов ибодатхоналари дастлаб, Ўрта Осиёнинг қўшни тарихий-маданий худудлари каби очик типда (мелоддан аввалги VI–IV асрларда Чилхужра шаҳридаги икки, сўнгра уч поғонали “пирамида” қўринишида)⁴⁸ бўлган. Табиий илоҳий жойлар (Сулаймон-тоғ типи –aloҳида сифиниш обьекти) билан бир қаторда архитектуравий шаклланган

⁴¹Заднепровский Ю.А. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Мурас, 1997. – С. 40.

⁴²Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая. – М.-Ленинград, 1952. – С. 221.

⁴³Салтовская Е.Д. Стратиграфия памятников античного Ашта (К культуре Ферганы) // ТД Всесоюзное научное совещание «Античная культура Средней Азии и Казахстана». – Ташкент, 1979. – С. 101.

⁴⁴Сулейманов Р. Типология поселений Южного Согда III–VIII в. н.э., с. 99; Хасанов М., Мехендали С. Раскопки на Сангиштепа в Кашкадарье // Археологические исследования в Узбекистане 2003. – Ташкент, 2004. – С. 182–186; Лебедева Т.И. Здание близ Кафыркалы под Самарканом – замок или дахма? // ИМКУ. – Ташкент, 1999. – Вып. 30. – С. 152–165.

⁴⁵Нурмухамедова Ш.З. Закономерности и стилевые особенности архитектуры Узбекистана античного периода. – Ташкент: “Fanvatexnologiya”, 2018. – С. 131.

⁴⁶АбдулгазиеваБ.Шортепа // ИМКУ. – Ташкент, 1983. – Вып. 18. – С. 135; Она же. Новые памятники эпохи раннего средневековья в Восточной Фергане // ИМКУ. – Ташкент, 1987. – Вып. 21. – С. 66–72.

⁴⁷Богомолов Г.И. К вопросу о верованиях и культовых местах Ферганы // Роль города Маргилана в истории мировой цивилизации. Материалы международной конференции, посвященной 2000-летнему юбилею города Маргилана. – Ташкент-Маргилан, 2007 г. – 94.

⁴⁸Богомолов Г.И., Бердимурадов А.Э. Узбекистан // Религии Центральной Азии и Азербайджана. Зороастризм и верования маздеистского круга. – Самаркан: МИЦАИ, 2017. – Т. II. – С. 181.

ибодатхоналар Марғилондаги Қизлартепа (IV-VI асрлар)⁴⁹ диний маркази мисолида ва сўнгра Майдонтепа (эрамизнинг IV-V асрлари)⁵⁰, Зайрактепа (эрамизнинг VIII асри боши)⁵¹, Файраттепа (VI аср)⁵² ибодатхоналар мисолида кўриб чиқилган. Уларнинг режавий тузилмасида алоҳидаланган ҳолат, марказий хонанинг мавжудлиги, периметрли кулуарлар (Қизлартепада)⁵³ ёки диний маросимларни бажариш учун айланма йўлаклар (Заурактепада) ўрамасидаги целла ёки тўрт устунли супали байрамона зал (Майдонтепада майдони 50 кв. м ли ибодатхона) кабилар аниқланган. Ўз вақтида Г.А. Пугаченкова томонидан “кулуарлар ўрамасидаги зал” сифатида ифодаланган режанинг дастлабки типини Ўрта Осиёнинг кўпгина тарихий-маданий худудларида (масалан, Бақтриянинг Холчаён ва Сурх-Кўтол ибодатхоналари)⁵⁴, жумладан Фарғонада ҳам кузатиш мумкин бўлганлиги таъкидланган.

Шундай қилиб, қадимги Фарғона ибодатхона архитектураси ривожида оддий оиласиий кичик ибодатхоналардан тортиб, то диний этикет қоидалари бўйича қурилган мумтоз “олов” ибодатхоналаригача бўлган босқичма-босқич ривожланиш жараёнини кузатиш мумкин. Ислом динигача диний маросимлар ибодатхоналар, шаҳар ва уй ибодатхоналарида ўтказилган. Фарғонада “йўлаклар ёки йўлак ва хоналар билан ўралган зал” режасининг кўпайишига кўп жиҳатдан, ушбу худуднинг Сўғд билан чегарадошлиги сабаб бўлган. У ерда шунга ўхшаш режа, хусусан, диний архитектурада ишлатилган. Бундай режавий яқинлик Ўзбекистон қадимги архитектураси алоҳида эмас (давлат чегараларига қарамасдан), балки қўшни тарихий - маданий худудлар билан доимий ўзаро алоқада ривожлангани хақида гувоҳлик беради. Булар “ассоциацияларнинг аниқ занжирини ўзида ифодаловчи архитектуравий ҳажмнинг қатъий белгиланиши”⁵⁵ каби диний талаблар билан тушунтирилади. Режада ёпиқ композиция, ташқи дунёдан химояланиш, аниқ режавий ғояга (биринчи навбатда ғоявий талаблар билан ифодаланган) тегишлилик принципига риоя қилишда фарғоналиклар қандайдир янги унсурлар киритганлар. “Бу олов илохини ўз ҳолича қайта шакллантирган ва жорий қилган фарғоналиклар янгилиги”⁵⁶ ҳисобланиб, бу қўшни худудларнинг худди шундай меҳробларидан фарқланувчи ўчок-меҳробларнинг мавжудлигидир.

⁴⁹Анарбаев А., Максудов Ф. Древний Маргилан (из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: «Фан», 2007. – С. 54.

⁵⁰Брыкина Г.А., Горбунова Н.Г. Фергана // Средняя Азия в раннем средневековье. – М.: «Наука», 1999. – С. 105.

⁵¹Абдулгазиева Б. Раннесредневековое поселение Заурактепа в Восточной Фергане // ОНУ. – Ташкент, 1986. – №2. – С. 40-44.

⁵²Козенкова В.И. Гайрат-тепе // СА. – М., 1964. - №3. – С. 226.

⁵³Анарбаев А., Максудов Ф. Древний Маргилан (из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: «Фан», 2007. – С. 54.

⁵⁴Мкртычев Т.К. Буддийское искусство Средней Азии (I-X вв.). – М.: ИКЦ «Академкнига», 2002. – С. 62.

⁵⁵Кошеленко Г.А. Синтез искусств в зодчестве Средней Азии античного периода (некоторые вводные замечания)// Сообщения Государственного музея искусства народов Востока. – М., 1972. - Вып. VI. – С. 43.

⁵⁶Анарбаев А.А., Максудов А.М. Древний Маргилан (Из истории земледельческой и городской культуры Ферганы). – Ташкент: «Фан», 2007. – С. 138.

Диссертациянинг “Фарғона водийси архитектурасини илк ўрта аср даврида ривожланиш йўллари” деб номланган учинчи боби ҳам 3 та бўлимдан иборат.“Шаҳарсозлик ва ҳарбий архитектура” деб номланган биринчи бўлимда илк ўрта аср даврида кўрилаётган ҳудудда шаҳар ва фортификацион архитектуранинг шаклланиш хусусиятлари очиб берилган. Бу даврда шаҳарсозлиқда иккиласми кўриниш кузатилади. Бир томондан антик даврдаги шаҳарлар сақланган ва ривожланишда давом этган (Косон⁵⁷, Поп, Қува), бошқа томондан эса VII-VIII асрларда Қўшон шаҳарларининг (Марказий Фарғона ҳудудида сув режиминингўзгариши⁵⁸ ва Жанубий Фарғонани суғориш учун дарё сувларининг кўп миқдорда ишлатилиши натижасида) бўшаб қолиши ҳисобига шаҳарлар сони кескин камайган, қишлоқлар эса фаол ривожланган (эрамизнинг биринчи асли ва илк ўрта асрларда қурилган Шўртепа, Лўмбитепа, Зайрак⁵⁹, Чордона, Сартепа, Сарвонтепа)⁶⁰. Уларнинг архитектура - режавий ечимида (туарар-уй ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга алоҳида блок-секцияларга аниқ бўлинган саройли қишлоқлар) Хоразм, Бақтрия ва Сўғд қишлоқлари билан яқин параллелларни кузатиш мумкин.

Қалъа (арк), ҳунармандлар мавзеси ва ибодатхоналарга эга ички шаҳар (шаҳристон), ҳамда шаҳаролди (рабод) дан иборат илк ўрта аср шаҳарлари тузилмаси таҳлил қилинган. Шаҳристонларнинг ҳудудий кенгайиши (Ахсикент) ҳамда рабодларнинг фаол ривожланиши ва йирик ер мулқдор-дехқонларнинг шаҳар атрофида саройлар қуриши (Сарвонтепа, Чордона, Яkkатепа) ҳисобига айрим мавжуд шаҳарлар кенгайган. Шунга ўхшаш жараён, яъни рабоднинг фаол ривожи ҳисобига шаҳар ҳудудининг кенгайишини илк ўрта аср давридаги Ўрта Осиёнинг бошқа тарихий-маданий ҳудудларида ҳам кузатиш мумкин⁶¹. Масалан IX асрда Бухорода рабод майдони қурилмалар зичлиги бўйича шаҳристондан фарқ қилмаган.

XI-XII аср шаҳарлари тузилмаси таҳлил қилинганда археолог олимлар Ибн Хайкал, Мақдисий ва Ал-Истаҳрийлар шаҳарлар асосан уч қисмли, шаҳристон ва рабод қалъа деворлари билан ўралганлиги ҳақида гувоҳлик беришган⁶². Ушбу анъана бир нечта шаҳарлар мисолида кўриб чиқилган. Масалан, Қува қалъаси (у ерда жамоат масжиди бўлган), шаҳристон ва шаҳарни уч томондан ўраб турган ўлкан рабоддан (бозор, амирлар саройи ва қамоқ рабодда жойлашган) ташкил топган. XI асрда қалъа ҳудуди маъмурий

⁵⁷Анарбаев А. Касан город-ставка, лагерь-крепость // Фергана в древности и средневековье. Сб. статей, подготовленных в честь 70-летия со дня рождения акад. Ю.А. Заднепровского. – Самарканд, 1994. – С. 25.

⁵⁸Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы) // СА. – М., 1979. – №3. – С. 32.

⁵⁹Абдулгазиева Б. Раннесредневековое поселение Заурактепа в Восточной Фергане // ОНУ. – Ташкент, 1986. – №2. – С. 40-44.

⁶⁰Абдулгазиева Б.Внутренняя структура сельских поселений Ферганы эпохи раннего средневековья// ИМКУ. – Самарканд, 2018. - №34. – С. 142-162.

⁶¹Матбабаев Б.Х., Грицина А.А. Археологические исследования в юго-западной части шахристана Кувы (Кубы) // ИМКУ. – Ташкент, 2000. – Вып. 31. – С. 108.

⁶²Абдулгазиева Б. К сложению трассы Великого Шелкового пути по южной Фергане // ИМКУ. – Ташкент, 1997. - №28. – С. 193.

жиҳатдан шаҳристон билан бирлаштирилган⁶³. Марғилон (Маргинон) чекка амирлик пойтахти бўлиб, рабоднинг ҳудудий ўсиши ҳисобига кичикроқ шаҳардан (Сомонийлар даврида) Фарғонанинг йирик шаҳарларидан бирига айланган, шунингдек бунга шаҳарнинг Ғарбдан Шарқقا кетувчи Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашганлиги ҳам ёрдам берган⁶⁴. Ўзгент ҳам қалъа, шаҳристон, рабод ва шаҳар атрофидан ташкил топган. Шаҳарни X-XI асрларда интенсив ривожланиши ҳисобига қалъа чегарасидаги унинг майдони 12-15 кв. км га етган. Ўш катталиги бўйича (ҳозирда Қирғизистон) Фарғонадаги учинчи шаҳар уч қисмли тузилмага эга бўлиб, қалъа (сарайли), шаҳарнинг ўзи ва шаҳар атрофидан ташкил топган.

